

ЯПОНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА МАВЖУД ЛОЙИҲАЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ЕЧИМЛАР

Элдоржон Элмуродов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги олий таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи ва жорий ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада Япония билан олий таълим соҳасидаги мавжуд лойиҳалар батафсил ўрганилган ва уларнинг аниқ йўналишлари ҳамда истиқболлари кўрсатилган.

Ўзбекистон ва Япониянинг олий таълим соҳасидаги ҳамкорлигини янада жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари мақолада илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур илмий мақолада Ўзбекистон олий таълим тизимида тадқиқот салоҳиятини ошириш, ҳамкорлик йўналишлари ва мақсадларини аниқ белгилаш ҳамда япон университетлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш механизмаларини жорий қилишга доир хулоса ва таклифлар келтирилган.

***Калит сўзлар:** олий таълим тизими, олий таълимда халқаро ҳамкорлик, талабалар алмашинуви ва тадқиқот лойиҳалари, ректорлар конференцияси ва таълим кўرғазмаси.*

КИРИШ

2022 йилнинг январь ойидан Япония ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик муносабатларини ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситаларида, маданий, ижтимоий ва сиёсий тадбирларда бу икки давлатнинг стратегик ҳамкорлиги тўғрисидаги таҳлиллар, имкониятлар ва истиқболлари ҳақидаги маълумотлар кескин кўпайди. Ҳукумат вакиллариининг расмий учрашувларида икки томонлама ҳамкорлик натижалари сарҳисоб қилинмоқда ва истиқболлари ҳақида ижобий фикрлар баён этилмоқда. Лекин, ўзбек-япон ҳамкорлигининг жорий ҳолати икки давлатнинг реал имкониятлари ва салоҳиятларидан анча йироқ. Афсуски, Япония ҳукумати томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ДЖАЙКА)нинг ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга доир

дастурлари ва, албатта, таълим ҳамда тадқиқот соҳасидаги кичик лойиҳалар билан қаноатланиш давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек-япон ҳамкорлигининг энг барқарор ривожланаётган таркибий қисми – таълим, тадқиқот, маданият, туризм ва спорт соҳаларидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мустақилликдан сўнг Япония ва Ўзбекистоннинг иккитомонлама ҳамкорлиги айнан олий таълимдан, аниқроғи, ўзбек талабаларини ўқишга таклиф қилиш лойиҳаларидан бошланган.

Ҳамкорликнинг олий таълимдан бошланиши бу жаҳон халқаро муносабатлари тарихидаги тасодифий ҳолат эмас. Бирор хорижий давлат бошқа бир давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилар экан, унинг тарихи, бугуни ва келажagini ёшларнинг билим ва салоҳиятига қараб баҳолайди. Албатта, кейинчалик, ушбу кадрлар икки давлат муносабатларини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон ва Япониянинг олий таълим соҳасидаги ҳамкорлиги асосан 2000 йиллардан жадал ривожлана бошлади. Япониянинг Нагоя, Цукуба, Токио, Васеда, Токио чет тиллари, Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялари университетлари Ўзбекистон олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди. Талабалар алмашинуви жадаллашди ва япон профессорлари Ўзбекистон давлат бошқаруви, иқтисодиёти, суд-ҳуқуқ тизими, археология ва атроф-муҳит муаммолари маданият, тарих, лингвистика каби соҳаларда тадқиқот қила бошлади.

Ўзбекистон билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирган Япония университетлари орасидан Нагоя ва Цукуба университетлари тажрибасига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Нагоя университети билан ҳамкорлик тарихи, жорий ҳолати ва истиқболлари. Нагоя университетининг Олий ҳуқуқ мактаби 1998 йилда Осиё давлатларининг иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб бораётган ислохотларида ҳуқуқий ёрдам¹ доирасида ҳамкорлик қилиш дастурини ишлаб чиқди. Ҳамкорликнинг илк босқичи сифатида кадрлар тайёрлаш масаласи устувор йўналиш этиб белгиланди ва 1999 йилда Ўзбекистондан илк талаба магистратура йўналишига қабул қилинди.

¹ Япония ҳукумати томонидан, яъни Япония халқаро ҳамкорлик ташкилот томонидан амалга оширилган “Ҳуқуқий ёрдам” лойиҳаси (Legal Assistance Project)

2000 йилга келиб Олий ҳуқуқ мактаби қошида Осиё ҳуқуқий алмашинуви маркази (Center for Asian Legal Assistance) ташкил этилди². Ушбу марказ Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда миллий қонунчиликни ривожлантириш лойиҳалари доирасида ҳамкорлик қила бошлади. Нагоя университети профессорлари иштирокида Ўзбекистондаги қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар, семинар ва тренинглар ўтказишда, шунингдек мутахассисларни малакасини оширишда ҳам назарий ҳам амалий кўмак берди.

Кадрлар тайёрлаш кўникмаларини маҳаллийлаштириш мақсадида 2005 йилнинг сентябрь ойида Нагоя университети Тошкент давлат юридик институтида (ҳозирда Тошкент давлат юридик университети) илк мартаба ўзининг Япон тили ҳуқуқини тадқиқ қилиш марказини³ очди.

Ушбу марказда Тошкент давлат юридик университети талабалари япон тили ва ҳуқуқини бевосита япон профессорлари томонидан ўрганади. Барча дарс машғулотлари япон таълим тизими, услублари ва манбаалари асосида амалга оширилади. Бугунги кунда марказни 70 нафардан ортиқ талаба муваффақиятли тамомлаб, улардан 40 нафари ўз ўқишларини Японияда давом эттиришга муваффақ бўлди. Айти пайтда марказда 100 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда⁴.

2020 ўқув йилидан буён марказда ўқиган талабаларнинг япон тили фанидан олган кредитлари Тошкент давлат юридик университети томонидан тан олинishi амалиёти бошланди. Кейинги босиқич эса, ҳуқуқ фанидан ўтилган фанлар учун олинган кредитларни Тошкент давлат юридик университети томонидан тан олиншидир. Бу эса марказ таълим дастурининг университет ўқув жараёнларига интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатади.

2008 йилда Япония ҳуқуқати томонидан олий таълимдаги ҳамкорликни жадаллаштириш ва университетларни халқаролашувини жадаллаштириш ҳамда академик алмашинувни ривожлантириш мақсадида “Глобал-30” дастури қабул қилинган эди. Ушбу дастур доирасида Нагоя университети 2010 йилнинг март ойида япон грантлари асосида талабаларни ўқишга юбориш мақсадида ўз ваколатхонасини очди. Бу ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Нагоя университети 2010 йилнинг сентябрь ойида Япония олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик ва маҳаллий талабалар

² Осиё ҳуқуқий алмашинув маркази расмий веб-сайти: https://cale.law.nagoya-u.ac.jp/en/about_cale

³ Осиё ҳуқуқий алмашинув маркази расмий веб-сайти: <https://cjl.law.nagoya-u.ac.jp/uz/about>

⁴ Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумотлари асосида, 2021 йил июль ойи ҳолати бўйича.

ўртасидаги биринчи “Ўзбек-Япон талабалар академик форумини” ўтказди. Форумда иштирокчилар ўзлари олиб бораётган илмий тадқиқот мавзулари доирасида муҳокамалар ташкил этишди. Ушбу тадбир Ўзбекистон раҳбарияти томонидан юқори баҳоланди ва уни мунтазам равишда ўтказиш тўғрисида тегишли вазирликларга топшириқ берилди.

Илк мартаба Ўзбекистон ва Япония университетлари ректорларининг биринчи конференцияси 2011 йилнинг 1-2 ноябрь кунлари Нагоя университети ташаббуси билан ташкил этилди. Ўзбекистон томонидан 10 етакчи университет ректорлари⁵ таркибидаги делегация Японияга ташриф буюрди. Делегацияга Президент давлат малаҳатчиси Т.Рихсиевнинг раҳбар этиб тайинланганлиги Ўзбекистоннинг Япония билан таълим ва тадқиқот соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини исботлар эди. Нагоя университетидан иштирокчиларга мос ҳамкорлар топиш ва аниқ фаолиятни йўлга қўйишга доир мақсадли музокаралар ва тақдимотлар ташкил этилди. Ректорлар конференцияси доирасида Цукуба университетидан 2-чи “Ўзбек-япон талабалар академик форуми” ўтказилди ва унга 150 нафар ўзбек ва япон талабалари иштирок этди.

Иккинчи ректорлар конференцияси эса 2015 йилнинг 11-13 ноябрь кунлари Нагоя университети ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш интитутидан ташкил этилди. Япония делегациясига Таълим вазири ўринбосари Маэкава Кихей ва Нагоя университети президенти Мацуо Сейити бошчилик қилишди. Тадбирда Япониянинг 18 та университети ректорлари ва проректорлари (жами 62 нафар) ўзбек томонидан эса 85 маҳаллий олий таълим муассасалари ва хорижий университетлар филиаллари иштирок этди. Конференция якунида 5 та ҳамкорлик шартномаси⁶ имзоланди.

2019 йилнинг 8-9 июль кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган учинчи ректорлар конференциясида Япония делегациясига Таълим вазири ўринбосари Накамура Хироюки ва Нагоя университети президенти Мацуо Сейити раҳбарлик қилди. Япон томонидан 13 та олий таълим муассаси ва 2 та таълим ҳамда тадқиқотга тегишли ташкилот

⁵ Ўзбек томонидан иштирок этган олий таълим муассасалари: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллари институти, Андижон давлат университети, Урганч давлат университети, Бухоро давлат университети ва Наманган муҳандислик-педагогика университети.

⁶ Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумотлари асосида

вакиллари (жами 45 нафар) иштирок этди. Ўзбекистон томонидан япон университетлари ихтисослигига мос келадиган 38 та олий таълим муассасаси таклиф этилди. Тадбир якунида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Нагоя университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Айти префектураси университети, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва Цукуба университети, Самарқанд давлат университети ва Когакуин ҳамда Сока университетлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик битимлари имзоланди. 4-ректорлар конференцияси Япониянинг Цукуба университетида ташкил этилди ва унда 15 та Ўзбекистон олий таълим ва 22 та Япония университетлари иштирок этди.

Нагоя университетининг Ўзбекистон билан олий таълим соҳасидаги ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналиши –“Японияда таълим кўргазмаси”. Ушбу кўргазма 2010 йилдан буён ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Бу тадбир беғараз лойиҳа бўлиб, унинг асосий мақсади ўзбекистонлик талабаларга мос стипендия ва грантлар тўғрисида маълумот беришдир. Охириги йилларда кўргазма доирасида Япония ва Ўзбекистон университетларининг икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари фаоллашмоқда.

Нагоя университетнинг профессионал кадрларни етиштиришга доир яна бир муҳим дастури 2015 йилнинг октябрь ойида Япония Бош вазири Абе Синдзонинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистонда Осиё сателлит кампуслари институтининг докторлик дастури бўйича ҳуқуқшунослик, сиёсий фанлар, медицина ва кейинчалик таълим ҳамда психология йўналишларида қабул бошланди. Таълим ва тадқиқот номзоднинг иш жараёнидан ажралмаган ҳолда амалга оширилади. Албатта, ўқув даврида докторант Нагоя университетига бир неча маротаба интенсив тадқиқот қилиш мақсадида ташриф буюради.

Айнан Бош вазир Абе Синдзонинг ташрифи давомида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги келишувга биноан Тошкент давлат техника университети қошида Ўзбек-япон ёшлар инновацион маркази ташкил этилди. 2015 йилда Нагоя университети ва Тошкент давлат техника университети ўртасида инновацион марказни ташкил этиш ва ривожлантиришга доир ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Қисқа вақт ичида Нагоя университети томонидан Япониянинг нуфузли университетлари вакилларидан ташкил топган делегациялар ташриф буюрди. Қатор семинарлар, анжуманлар ва симпозиумлар ташкил этилди.

2015-2019 йиллар давомида Нагоя университети томонидан Тошкент давлат техника университетининг 12 нафар ёш тадқиқотчилари Япония университетларига қисқа муддатли амалиётга юборилди. Кейинчалик, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан Инновацион марказ учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш доирасида иқтидорли талабалар Японияга магистратурага ўқишга юборилди.

Инновацион марказнинг тадқиқот йўналишларидан келиб чиқиб, Нагоя университети Япониянинг Цукуба, Кейо, Тойохаши технологиялар университети, Токио технологиялар институти ва Кюсю университетлари билан Тошкент давлат техника университети ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди.

Илм-фан, тадқиқот ва инновация соҳасида ўзбек ёшларига мотивация бериш ва уларни фундаментал тадқиқотлар билан шуғулланишга чорлаш мақсадида 2018 йилнинг 28-31 август кунлари Нобель мукофоти совриндори, буюк олим, профессор Ноёри Риёжи иштирокидаги Ўзбек-япон илмий анжумани ташкил этилди⁷. Бу Ўзбекистон тарихидаги илк Нобель мукофоти совриндорининг ташрифи сифатида тарихда қолди. 2021 йилнинг 6 январида буюк физик олим, 2014 йилда физика соҳасида Нобель мукофоти совриндори бўлган Аmano Хирошининг Тошкент давлат техника университети ва бошқа техника соҳасидаги талабалар учун онлайн маърузаси⁸ ташкил этилди.

Нагоя университетининг яна ўзига хос ҳамкорлик лойиҳаларидан бири – ҳамкор университетларда япон талабаларининг қисқа муддатли амалиётларини ташкил қилиш. Ушбу лойиҳа 2015-2019 йиллар давомида мунтазам амалга оширилди. 5 йил давомида 70 нафар япон талабалари Ўзбекистонда ўзларининг тадқиқот мавзулари доирасида амалиёт ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёнинг 2019 йилнинг 17-20 декабрь кунлари Японияга илк маротаба ташриф буюрди. Ушбу расмий ташрифнинг айнан Нагоя шаҳри, Нагоя университетидан бошланганлиги икки давлат ўртасидаги таълим ва тадқиқотдаги ҳамкорликка туртки бўлди. Президент Ш.Мирзиёев Нагоя университети орқали Япония олий таълим муассасаларига кенг ҳамкорликни ва аниқ таклифларни илгари сурди. Масалан, Тошкент давлат техника университетини ислоҳ қилиш, 15 та япон профессорлари ва 50 та япон талабаларини Ўзбекистонга ташрифини ташкил

⁷ Нобель мукофоти лауреати Рёдзи Ноёри ўзбекистонлик талабаларга маъруза қилди. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 август. Ҳавола: <https://xs.uz/uzkr/5354>

⁸ Встреча с изобретателем светодиодов. Народное слово. 12 января 2022 года. Источник: <https://xs.uz/ru/post/vstrecha-s-izobretatelem-svetodiodov>

қилиш, Фанлар Академияси билан илмий тадқиқотларни жадаллаштириш шулар жумласидан. Бу мақсадларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича амалий ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси») ⁹ ҳам тасдиқланган.

Ташриф натижаси сифатида 2020 йилнинг июль ойидан буён Нагоя университети вакили Тошкент давлат техника университетида хорижий проректор лавозимида ишлаб келмоқда. Шунингдек, Нагоя университети ҳамкорлиги доирасида Тошкент давлат техника университети иқтидорли талабаларидан иборат махсус курс ташкил этилган бўлиб, уларга япон профессорлари техника фанларидан ўқув машғулотларини ўтишмоқда.

Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси айрим япон университетларининг кўшма илмий лойиҳаларини амалга оширишда ҳам кўмак бериб келмоқда. Шулардан бири, Япониянинг Айти санъат университетининг қадимий ўзбек қоғози тарихи ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ тадқиқотни амалга ошириш, қадимий ўзбек қоғози билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш ва қоғоз орқали илм-фан, маданият ва минатюра санъатининг шарқдан ғарбга тарқалганлиги эътироф этишдир¹⁰.

Ушбу кўшма илмий лойиҳа 2017 йилда Нагоя университети кўмагида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида бошланган. Лойиҳанинг энг асосий мақсади Ўзбекистонда сақланаётган қадимий қоғозлар таркибини Япониянинг энг замонавий электрон микроскопларида ва бошқа илмий технологик асбобларида таҳлил қилиш ва таркибини ўрганиш, унинг хитой қадимий қоғозларидан фарқли хусусиятларини ва тайёрлаш технологияларини татбиқ этиш ҳамда ушбу қоғозларни қайта ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, Нагоя университети Ўзбекистонда япон тилини ўрганиш ва Япония билан боғлиқ тадқиқотларни қўллаб қувватлашга доир бошқа лойиҳаларга ҳам кўмак бериб келмоқда.

Бугунги кунда Нагоя университети Тошкент давлат юридик университети (2002й.), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (2005й.) Самарқанд

⁹ “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 28 декабридаги ПҚ-4553-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 07/20/4553/0016-сон.

¹⁰ Presentation materials of Shibazaki Koji, professor of Aichi University of Art in UNESCO international conference in Samarkand city in August 26, 2019. Link: <https://labo.a-mz.com/paper/unesco-samarkand.html>

давлат университети (2005й.), Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (2014й). ва Тошкент давлат техника университети (2015й.) билан ўзаро ҳамкорлик битимларига эга. Лекин, Нагоя университети Ректорлар конференцияси, Таълим кўргазмаси, қўшма илмий лойиҳалар борасида Ўзбекистоннинг бошқа университетлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

1999 йилдан буён Япония ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган ҳукуматлараро битимга асосан “Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш”¹¹ лойиҳаси доирасида бугунги кунга қадар 300 нафардан ортиқ давлат хизматчилари ва тадқиқот муассасалари ходимлари Япониянинг турли университетларида магистратура йўналишида таҳсил олишди. 2019 йилдан эса ушбу дастур орқали докторантурада ҳам ўқиш имконияти яратилди. Лойиҳанинг очилишидан буён Нагоя университети ҳуқуқ йўналиши бўйича ўзбекистонлик талабаларни мазкур лойиҳа доирасида ўқишга қабул қилиб келмоқда.

Цукуба университети билан ҳамкорлик тарихи, жорий ҳолат ва истиқболлари. Япониянинг Цукуба университети ҳам Нагоя университети каби минтақадаги энг фаол ҳамкорлардан бири ҳисобланади. Тошкент давлат шарқшунослик университети Цукуба университети билан энг биринчи ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган олий таълим муассаси ҳисобланади. 2004 йилда илк маротаба ташриф буюрган япон делегацияси 2005 йилда ўзаро ҳамкорлик битимини имзолади. Икки университет ўртасида талабалар алмашинуви бошланди.

2007 йилда эса Цукуба университети Тошкент давлат шарқшунослик университетидаги Марказий Осиё таълим ва тадқиқот марказини очди. Ушбу марказ 2014 йилга келиб қайта ташкил этилди ва унга Цукуба университети Тошкент офиси мақоми берилди.

Цукуба университетнинг Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ҳамкорлиги нафақат япон тилини ўрганиш, қолаверса, японшунослик, адабиётшунослик ва маданиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларини ҳам қамраб олади. Шунингдек, Цукуба университети Марказий Осиё минтақаси бўйича илмий иш қилаётган ёш олимлар ва тадқиқотчиларни ҳам қўллаб қувватлайди.

¹¹ Дастур инглиз тилида “Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship – JDS” деб аталади ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан беғараз молиялаштирилади.

2006 йилдан ҳозирги вақтга қадар икки университет ўртасида тилшунослик, мадания, тарих, таълим, минтақашунослик ва ижтимоий фанларнинг бошқа долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференциялари ва семинарлари мунтазам ўтказилиб келинади. Тошкент давлат шарқшунослик университетида япон тадқиқотчилари ва талабалари мунтазам ташриф буюриб, ўз илмий изланишларини олиб боради.

Айни пайтда Цукуба университети Тошкент давлат шарқшунослик университетидан ташқари Ўзбекистон жаҳон тиллари университети, “Давлат геология музейи”, “Эл-юрт умиди” фонди, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетилар билан ҳамкорлик битимларини имзолаган.

Цукуба университетининг Нагоя университетидан асосий фарқи, биринчидан, ҳамкорлик йўналиши асосан японшунослик, тилшунослик, лингвистика, тарих, минтақашунослик ва шу каби ижтимоий соҳаларга қаратилган. Иккинчи фарқи эса, Цукуба университети, нафақат Ўзбекистон, балки, бошқа Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни устувор деб ҳисоблайди. Масалан, Цукуба университети Қозоғистоннинг 5 та, Қирғизистоннинг 3 та, Тожикистоннинг 2 та, Туркменистоннинг 1 та, Азарбайжоннинг 2 та ва Арманистоннинг 1 та олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади¹². Цукуба университетининг япон тили ўқитувчилари нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни Қозоғистон ва Туркменистонда ҳам беғараз фаолият юритишмоқда.

Охирги 5 йилда Япония олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги таълим бозорида фаоллашиш жараёнини кўриш мумкин. Масалан, 2021 йилда Нагоя университети ваколатхонаси томонидан ўтказилган охирги “Таълим кўرғазмаси”да қуйидаги япон университетлари иштирок этди:

№	Университет номи	№	Университет номи
1.	Нагоя университети	2.	Цукуба университети
3.	Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети	4.	Когакуин муҳандислик ва технология университети
5.	Хоккайдо университети	6.	Жумонжи университети
7.	Нагоя тижорат ва бизнес университети (бакалавр)	8.	Яманаши Гакуин университети (iCLA)
9.	Китами технологиялар	10.	Химия ва физика тадқиқот

¹² Батафсил маълумот учун: <https://www.bgi.sec.tsukuba.ac.jp/partner-organizations/>

	университети		институти (RIKEN)
11.	Нагоя иқтисодиёт университети	12.	Каназава университети
13.	Йокоҳама миллий университети	14.	Хирошима эйкей университети
15.	Тойо университети	16.	Нагоя санъат университети
17.	Япония тадбиркорлик олий мактаби	18.	Жошиби санъат ва дизайн университети
19.	Рицумейкан Осиё-тинч океани университети	20.	Рицумейкан университети
21.	Нанзан университети	22.	Аизу университети
23.	Осака университети	24.	Нагоя технология университети
25.	Саитама университети	26.	Нара илм-фан ва технология университети
27.	Кочи университети	28.	Уцуномия университети
29.	Акита университети	30.	Киото университети
31.	Хосей университети	32.	Хёго университети
33.	Мейжи университети	34.	Окаяма университети
35.	Токио университети	36.	Шинсю университети
37.	Вакаяма университети	38.	Тейкё университети
39.	Кансай университети	40.	Рюоку университети
41.	Токио чет тиллар университети	42.	Тоттори университети
43.	Киндай университети		
Таълим ва тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларига тегишли ташкилотлар			
44.	Япония илм-фанни қўллаб-қувватлаш жамияти (JSPS)	45.	Япония халқаро ҳамкорлик маркази (JICE)
46.	Япония талабаларни қўллаб-қувватлаш ташкилоти (JASSO)	47.	Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси

Нагоя университети ваколатхонаси томонидан Японияда таълим кўргазмаси 2022 йилда ҳам ташкил этилди ва иштирокчи япон университетларининг рўйхати қуйидагидан иборат:

№	Университет номи	№	Университет номи
1.	Нагоя университети	2.	Цукуба университети
3.	Нагоя иқтисодиёт университети	4.	Яманаши Гакуин университети (iCLA)
5.	Тойо университети	6.	Рицумейкан университети
7.	Осака университети	8.	София университети

9.	Нагоя тижорат ва бизнес университети (бакалавр)	10.	Токио қишлоқ хўжалиги ва технология университети
11.	Хосей университети	12.	Йокоҳама миллий университети
13.	Кюсю университети	14.	Тохоку университети
15.	Киото аниқ фанлар университети	16.	Рицумейкан Осиё-тинч океани университети
17.	Хоккайдо университети	18.	Вакаяма университети
19.	Бункё гакуин университети	20.	Тоттори университети
21.	Акита университети	22.	Хирошима эйкей университети
23.	Киото университети	24.	Япония тадбиркорлик олий мактаби
25.	Токио чет тиллар университети	26.	Япония халқаро университети
27.	Жошиби санъат ва дизайн университети	28.	Дошиша Университети
29.	Ниигата университети		
Таълим ва тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларига тегишли ташкилотлар			
30.	Япония илм-фанни қўллаб-қувватлаш жамияти (JSPS)	31.	Япония талабаларни қўллаб-қувватлаш ташкилоти (JASSO)
32.	Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси		

Юқоридаги рўйхатдан кўришиб турибдики, Ўзбекистондан талабаларни ўқишга таклиф қилмоқчи бўлган Япония олий таълим муассасаларининг қизиқиши ва Ўзбекистонга бўлган устувор йўналиши ўзгармаган. Шунинг учун ҳам Япония университетлари билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишда юқоридаги университетларга эътибор қаратиш лозим ва мақсад ҳамда вазифаларни аниқ белгилаб олиш талаб қилинади. Таъкидлаш жоизки, талабалар алмашинуви дастурлари олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантирса-да, илмий-тадқиқот йўналишлари ўзаро ҳамкорликни комплекс ривожлантиришда катта ҳисса қўшади. Тадқиқотга асосланган ҳамкорлик барқарор ва узоқ муддатли бўлади, таълим сифатини юксалтиришга ҳам кескин таъсир қилади.

Шу ўринда, Япониянинг нуфузли «SATREPS-2020» танловида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Япониянинг Тоттори униерситети профессори Кристина Тодерич кўмагида тақдим этилган лойиҳанинг грантга сазовор бўлганлини таъкидлаш лозим. 2020 йилда ушбу лойиҳа Япония фан ва технологиялар агентлиги томонидан танланган 10 та

халқаро лойиҳалар ичида энг яхшиси деб топилди.¹³ Мана шу каби қўшма илмий лойиҳаларда Ўзбекистон олий таълим муассасаларини иштирок этиши икки давлат олий таълим тизимида барқарор ва узоқ муддатли ҳамкорликни таъминлайди.

Япония олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишда ўзбек университетлари томонидан ушбу университетлар чуқур ўрганилиши ва Ўзбекистон билан ҳамкорликдан асосий мақсад ва манфаатларни аниқлаштириш олиш лозим. Масалан, Нагоя тижорат ва бизнес университети, Жумонжи университети, Хёго университети, Рицумейкан Осиётинч океани университети, Окаяма университети, Япония тадбиркорлик олий мактаби, Яманаши Гакуин университети каби университетларнинг ҳамкорликдан асосий мақсади ўзбекистонлик талабаларни ўқишга жалб этишдан иборат.

Хоккаидо университети, Йокоҳама миллий университети, Токио чет тиллари университети, Киото университети, Вакаяма университети, Нагоя санъат университети, Нагоя университети, Цукуба университетлари эса қўшма илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишга ҳам қизиқиши ва салоҳият мавжуд. Энг асосийси – япон университетлари орасидан ҳамкор танлаш жараёнида нафақат ўзбек томони амалга оширмақчи бўлган лойиҳалар ва дастурлар, балки япон томонининг ҳам салоҳияти, ресурси ва қизиқишларини инобатга олиш лозим.

Япония ва Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бу борадаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш лозим. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

-Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида изчил тадқиқотни йўлга қўйилмаганлиги, фақат таълимга устувор аҳамият берилганлиги;

-Япония олий таълим муассасаларининг Ўзбекистондаги ташрифини расмий жиҳатларига (университет раҳбарияти билан учрашув, ташкилий, молиявий ва бошқа масалалар) асосий эътиборни қаратиш, лойиҳанинг концептуал масалаларини батафсил ҳал қилмаслик. Учрашувлар ва музокараларда ҳамкорлик масалаларини мутахассис профессорлар эмас, халқаро бўлим ёки раҳбарият вакиллари томонидан муҳокама қилиниши ва

¹³ Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. 08.01.2021й.

https://uza.uz/ru/posts/ozbekiston-va-yaponiya-hamkorligi-tobora-rivozhlanib-bormoqda_297358?q=%2Fposts%2Fozbekiston-va-yaponiya-hamkorligi-tobora-rivozhlanib-bormoqda_297358

кейинчалик келишилган чора-тадбирларни раҳбарият томонидан назорат ва мониторинг қилиниши;

-Ўзаро ҳамкорлик битими мавжуд бўлган хорижий университет билан ҳам бирор лойиҳани муҳокама ёки татбиқ этиш учун Ўзбекистон олий таълим муассасалари профессорлари томонидан халқаро бўлим ёки маъмуриятдан қайта-қайта руҳсат олиниши шартлиги, яъни профессор ва тадқиқотчилар ўртасидаги мустақил, тўғридан тўғри ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги;

-Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан Япония университетларида академик алмашинув асосида ўқиган талабаларнинг хориждаги кредитлари аксарият ҳолатларда тан олинмаслиги;

-Ўзбекистон олий таълим профессорлари томонидан ташкил этилган ва университетдан мустақил равишда фаолият кўрсатадиган илмий жамиятларнинг мавжуд эмаслиги;

-Япония университетлари билан бирор лойиҳа амалга оширилганда, ўзбек томонидаги ишчи гуруҳ таркибини тез-тез ўзгариши, лойиҳага алоқадор бўлмаган аъзоларни киритилиши ва қарор қабул қилишда узоқ вақт талаб қилиниши;

-Япония университетлари билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишда хорижлик ҳамкор университетнинг мавжуд салоҳияти, хусусиятлари, тажрибаси, йўналишларни мос келиши ва бошқа муҳим жиҳатларни синчковлик билан ўрганмаслик;

-Барча ҳамкорлик лойиҳаларини шорт-термизм (short-termism) тамойили асосида режалаштириш, яъни жуда қисқа вақтда маълум натижага эришишни таъминлашга ҳаракат қилиш.

-Учрашувларда ва музокараларда келишилган, ёки аниқлаштирилиб томонларга маълум қилиниши керак бўлган масалалар юзасидан мунтазам назорат (follow-up culture)нинг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммоларнинг ечимлари сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

-Ўзбекистон олий таълим муассасалари Япония университетлари билан мавжуд ҳамкорлик битимларининг барчасини инвентаризация қилиш ва уларни самарали ишламаганларини ҳар томонлама таҳлил қилиши лозим;

-Ўзбекистон олий таълим муассасалари таълим ва тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишни бошлаш учун Япония университетларидан битим имзоланиши талаб қилиш тажрибасидан воз кечиши лозим. Чунки, тажриба шуни кўрсатяптики, Ўзбекистон олий таълим

муассасалари ҳамкорли битимини имзолашни натижа сифатида қабул қилиб, ҳақиқий ҳамкорлик масалалари эътибордан четда қолмоқда.

-Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган тадбирларнинг расмий мақомига эмас, уни мазмунан бойитиш ва илмий-амалий жиҳатларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

-Ҳамкорликда ва музокараларда “паритет тамойили”га қатъий риоя қилиш лозим. Кўп ҳолатларда хорижлик университет ректорини Олий ва ўрта махсус таълим вазири, оддий профессорларни эса университет раҳбарияти қабул қилиш анъаналари сақланиб қолмоқда.

-Ўзбекистон олий таълим соҳасидаги профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини кўтариш ва тадқиқот билан таълимни интеграциясини жадаллаштириш керак. Жаҳон тажрибаси тадқиқотсиз таълим мавжуд университетлар ҳеч қачон замонавий университетлар билан тўлақонли ва тенгҳуқуқли ҳамкорлик қила олмаслигини исботламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил декабр ойида Олий Мажлис ва халққа қилган мурожаатида Олий таълим муассасаларига академик мустақиллик бериш ташаббуси ОТМларга ўз миссияси ва стратегиясини белгилаш ва меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш (шу жумладан, илмий даражали кадрлар тайёрлаш) бўйича эркинликлар бериш билан бир қаторда кадрлар сифатига бевосита ўзи масъул бўлиши каби масъулиятни ҳам юкламоқда. Бу эса ОТМларда тизимлаштирилган ва ишлайдиган таълим сифатини ички таъминлаш тизимини жорий этишни тақозо этмоқда.

Президентнинг 2022 йилнинг 20 декабридаги мурожаатномасида “таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю-ягона тўғри йўлидир” деб таъкидланиши ва янги 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”¹⁴ деб номланиши таълимнинг давлат сиёсатининг марказида эканлигини яна бир бор исботлайди. Шунингдек, 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони давлат бошқарувини, жумладан, олий таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан қўшилиши натижасида жаҳоннинг илғор тажрибаси андозалари асосида ислоҳ қилинади.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис депутатлари ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

Фармонда вазирликнинг сиёсий мақоми борасида муҳим бўлган жиҳат тилга олинади. Унга кўра, “вазирлик — тегишли соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, муайян йўналишда ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда тизимдаги раҳбарий фаолиятни яқкабошчилик асосида ташкил этадиган республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.” Бу бандда вазирликлар учун ўз йўналишида сиёсат ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва раҳбарий фаолиятни амалга ошириш белгиланмоқда. Эндиликда вазирлик зиммасига давлатнинг у ёки бу соҳадаги сиёсати ижросигина эмас, балки бундай сиёсатнинг устуворликларини белгилаш, ишлаб чиқиш ва ижро этиш вазифаси юкланмоқда. Бу эса, вазирликнинг мустақиллиги билан бирга масъулиятини ниҳоятда оширади.

Янги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан Япония тажрибасини қиёсий ҳолати қуйидаги жадвалда акс этган:

«Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қайта ташкил этилиши ва янги вазирликнинг Япония тажрибаси билан қиёсий таҳлили



Манбаа: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнғ 21 декабридаги №ПФ-269-сонли “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ҳавола: <https://lex.uz/uz/docs/6324756>

Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги расмий вебсайти: <https://www.mext.go.jp/en/about/organization/title02/detail02/sdetail02/1375114.htm>

Юқоридаги қиёсий жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда олий таълим давлат сиёсатини ривожлантиришда сиёсий иштирокчиларнинг сонини камайтириш ва Олий таълим тизимида тадқиқот ва инновацияларни бирлаштириб, таълим сифатини ошириш аниқ устувор йўналиш қилиб белгиланди. Давлат таълим инспекциясининг ҳам олий таълимга тегишли вазифалари, функциялари ва ваколатларини янги Вазирликка ўтказилиши ҳам ушбу ислохотларнинг Япония тажрибасига яқинлигини кўрсатади. Шунингдек, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари тўғрисидаги фармон ва Президент мурожаатномасида таълимни ривожлантиришга доир барча фикрлар, таклифлар ва кутилаётган ислохотларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни самарали амалга ошириш учун изчил механизмларни жорий этиш талаб қилинади.

REFERENCES

1. Осиё ҳуқуқий алмашинув маркази расмий веб-сайти: https://cale.law.nagoya-u.ac.jp/en/about_cale, <https://cjl.law.nagoya-u.ac.jp/uz/about>
2. Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маълумотлари.
3. Нобель мукофоти лауреати Рёдзи Ноёри ўзбекистонлик талабаларга маъруза қилди. Халқ сўзи газетаси. 2018 йил 29 август. Ҳавола: <https://xs.uz/uzkr/5354>
4. Встреча с изобретателем светодиодов. Народное слово. 12 января 2022 года. Источник: <https://xs.uz/ru/post/vstrecha-s-izobretatelem-svetodiodov>
5. “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора тadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 28 декабридаги ПҚ-4553-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2019 й., 07/20/4553/0016-сон.
6. Presentation materials of Shibazaki Koji, professor of Aichi University of Art in UNESCO international conference in Samarkand city in August 26, 2019. Link: <https://labo.a-mz.com/paper/unesco-samarkand.html>
7. Япониянинг Цукуба университети расмий веб-сайти маълумотлари: <https://www.bgi.sec.tsukuba.ac.jp/partner-organizations/>
8. Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. 08.01.2021й. Ҳавола: https://uza.uz/ru/posts/ozbekiston-va-yaponiya-hamkorligi-tobora-rivozhlanib-bormoqda_297358?q=%2Fposts%2Fozbekiston-va-yaponiya-hamkorligi-tobora-rivozhlanib-bormoqda_297358

-
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис депутатлари ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
<https://president.uz/uz/lists/view/5774>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 21 декабридаги №ПФ-269-сонли “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, ҳавола: <https://lex.uz/uz/docs/6324756>
11. Япония Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги расмий вебсайти:
<https://www.mext.go.jp/en/about/organization/title02/detail02/sdetail02/1375114.htm>